ФАВҚУЛОДДА (ЧРЕЗВЫЧАЙНАЯ) КОМИССИЯЛАР ТАРИХИГА ДОИР

Р.Т.Шамсутдинов, Ш.Сайдалиева, А.Отахонов

Мақолада шўро ҳокимияти "қизил террор" воситасида қарор топгани ва бунда ЧК – фавқулодда комиссия муҳим роль ўйнагани кўрсатилиб, давр тарихини холис ёритиш учун ушбу ташкилот фаолиятини объектив ўрганиш зарурлиги асосланган.

***Калит сўзлар**: фавқулодда комиссия, "қизил террор", чекист, ҳарбий революцион қўмита*

В статье обосновано, что советская власть установлена путем «красного террора», в котором ведущую роль играла ЧК – чрезвычайная комиссия, и важность изучения деятельности этой карательной организации для создания объективной исторической картины того периода.

***Ключевые слова**: чрезвычайная комиссия, «красный террор», чекист, военно-революционный комитет.*

The article states that the former Soviet regime was established by means of "ChK" – an extraordinary commission - a punitive expedition. It also stresses the necessity of studying the problem in order to have a perfect imagination about historical reality.

***Key words**: extraordinary commission,"red terror" chekist, military-revolutional committee.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ***"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир"*** номли асарида кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиниқ бир кўзгу, унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йўлини белгилаймиз деб кўрсатиб, мустабид совет тузумида халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида тарихчи ва ёзувчиларимиз кўпроқ ёзишларини вазифа қилиб қўйди. Бу даврнинг барча кирдикорларини ич-ичидан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташлангани, қанчаси қамоқда ўлиб кетганини таъкидлаб, ўша замонни ёшларимиз билиши кераклигини кун тартибига қўйди. Айни вақтда тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутиш кераклиги алоҳида қайд этилди [1.112].

Октябрь тўнтариши ва совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, большевиклар томонидан ташкил этилган ҳарбий революцион комитетлар (ҲРК) ва уларнинг таркибидаги контрреволюция ва саботаж билан кураш олиб борувчи фавқулодда комиссиялар – ЧКлар тарихига ҳам ана шу нуқтаи назардан қараш лозим. Мазкур тузилмалар шўролар учун ҳокимиятни тўла қўлга олиш ва ўз сиёсатини ўтказишнинг асосий механизми эди. Зеро, кейинча шўро мафкурачилари тўқиган гўё "аксарият омма большевикларга эргашган, уларга хайрихоҳ бўлган" қабилидаги гаплар чўпчакдан бошқа эмас эди. Буни шундан ҳам билса бўладики, 1918 йилда мамлакатда 20 га яқин ҳукумат режимлари бўлиб, совет режими шулардан бири, холос, собиқ Россия империяси ҳудудининг саккиздан биригина советлар измида бўлган. Бундай вазиятда ҳокимият учун кечиб турган кураш нечоғли шафқатсиз ва қонли бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Раҳмсизликда, золимликда, қаҳр-ғазабда ҳеч бири бошқасидан асло қолишмаган.

Тарихий ҳужжатларда, эсдаликларда, умуман, халқ хотирасида "оқлар" ва "қизиллар" ибораси кенг қўлланади. Аслида, бу тушунчалар XVIII аср охиридаги буюк француз инқилоби даврида вужудга келган эди, 1918 йилдан Россияда ҳам қўллана бошланди. Қизиллар ҳам, оқлар ҳам ўзаро курашда сўнгги чора сифатида террорни ишга солган, ҳар иккисининг мақсади ҳам душманни жисмонан йўқ қилиш, иккала томон ҳам қонунчиликка тўғри келмайдиган қатағон чораларини кўрган. Оқибатда турли хил ҳарбий ва сиёсий структуралар юзага келди, ҳокимият учун кураш ҳуқуқий нормалардан ташқарида кечди. Курашаётган томонларнинг ҳар бири ўз душманини ватан ва миллат хоини, бас, унга нисбатан амалга оширилган ҳар қандай чорани адолат доирасида деб билган. Қизил террорнинг ташаббускорлари ва ғоявий раҳнамолари эса совет режимининг раҳбарлари – В.И.Ленин, Я.М.Свердлов, Л.Д.Троцкий, Г.Петровский, Г.Е.Зиновьев, Г.Пятаков кабилар бўлишган. Жумладан, РКП(б) МК аъзоси, Петроград совети раиси, Коминтерн бошлиғи Г.Е.Зиновьев "Биз совет Россиясидаги 100 миллион кишидан 90 миллионини ўз орқамиздан эргаштириб, қолгани билан гаплашмаймиз, уларни йўқ қилишимиз керак" деб айтишгача борган. Ёки ВЧК раиси Ф.Э.Дзержинский чекистларга қарата: "Агар биз ғалабага эришишни хоҳласак, шафқатсиз бўлишимиз керак" дея қўл остидагилардан сиёсий душманларга нисбатан омонсиз, бешафқат бўлишни талаб қилган, шахсан ўзи тергову судсиз одамлар тақдирини ҳал этган. Бу айни "Қизил террор" эди [2.10].

Туркистонга, кейинча Хоразм ва Бухорога “революцияни экспорт қилиш” жараёнида большевиклар ҲРКлар тажрибасидан фойдаланганлар. Чунки, масалан, Октябрь тўнтаришидан кейиноқ Туркистонда ҳам юқорида тавсифланган каби вазият юзага келган: ҳокимият учун кураш кучайган, юрт бўлиниб, биродаркушлик уруши бошланган, бошбошдоқлик авжига чиққан. Бу вақтдаги ҳолатни таниқли тараққийпарвар, жадидчи Мўминжон Муҳаммаджонов (Тошқин) ўз эсдаликларида шундай тасвирлайди: “Сан босмачиларга йўл бердинг, пул бердинг, озиқ-овқат бердинг” баҳонаси билан ва босмачилар кириб “Сенлар большевикларга дўстлик қилиб, озиқ-овқат бердиларинг, жой бердиларинг” деб бечора халқнинг қонини дарё-дарё оқизмоқда эдилар. Кеча ҳам тинчлик йўқ, кундуз ҳам бир нафас ором олиш йўқ, қачон қарасанг “қоч-қоч”, “бос-бос”, “сўй”, “ўлдир”, “тала”, “қўлини орқасига боғла”, “анави ерга олиб чиқиб, мингбоши қилиб қўй” деган гаплардан бошқани эшитмас, бузилган, таланган ерлардан бошқани кўрмас эди. Фарғонанинг кўп ёшлари – ўқимиш йигитлари, фирқалилари, кўпинча, Тошкентга қочиб кетиб ётар, кўп вақт оч-яланғоч юрар эдилар” [3.267].

Шундай бир вазиятда Туркистонда ҳам қизил террор юз берган, ўлкада ҲРКлар кучи билан совет ҳокимияти ўрнатилган. Кураш кескин, даҳшатли тус олгач, ҲРКлар таркибида ЧК (чрезвычайная комиссия – фавқулодда комиссия)лар тузилган. Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети юзага келган оғир ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ҳолатдан келиб чиқиб 1918 йил 9 сентябрда контрреволюция ва саботажга қарши кураш олиб борувчи Туркистон ЧКсини ташкил қилган: Амударё бўлими, Закаспий, Еттисув, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона областларида, шу областлар таркибидаги 26 уездда ЧК органлари фаолият кўрсатган.

Кейинроқ, БХСР нозирлар кенгашининг 1920 йил сентябрдаги фармони билан Бутунбухоро ЧКси, ХХСР нозирлар кенгашининг 1921 йил 6 мартдаги қарори билан эса Хоразм ЧК си ташкил этилди. Сиёсий вазиятнинг кескинлашгани, шўроларга қарши қуролли ҳаракатларнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолда 1922 йилда Шарқий Бухоро фавқулодда диктаторлик комиссияси ташкил этилган. У чекланмаган ваколатга эга бўлиб, вилоят революцион комитети функциясини ҳам бажарган. Комиссия зиммасига бутун Шарқий Бухоро ҳудудида совет ҳокимиятини тиклаш ва уни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган.

Советларга қарши миллий озодлик ҳаракати, қаршилик кўрсатиш кучларига зарба бериш ЧК фаолиятининг асосий йўналиши эди. Чекистлар разведка ишлари, партия-совет органлари ва қўмондонликка “босмачилар”нинг жойлашуви, ҳарбий ҳолати ҳақида хабар бериш, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат билан таъминланиш манбаларини аниқлаш, агентларини топиш, уларнинг сафини ичдан бўлиб, тарқалиб кетиши учун кескин чоралар кўриш билан машғул бўлган. Давлат архивларида бу ҳақда маълумот берувчи ҳужжатлар сақланиб қолган бўлиб, уларга бугунги кун нуқтаи назаридан қаралса, кўп нарсаларни англаш мумкин бўлади. Андижон вилоят давлат архивида сақланаётган бир ҳужжатни кўриб чиқамиз.

Маълумки, 1919 йил сентябрида Мадаминбек бошлиқ миллий озодлик қўшинлари билан генерал Муханов, полковник Монстров командирлигидаги “Крестьянлар армияси”нинг бирлашган кучлари Андижонни қуршовга олган. Икки ҳафта давомида қаттиқ жанглар кечиб, ҳар икки тарафдан кўплаб қурбонлар берилган, лекин шўролар шаҳарни забт этишга имкон бермаган. Ўша кунлари Андижонда ЧК ва революцион трибунал тинч аҳоли вакилларини “босқинчилар”ни қурол ва ўқ-дори билан таъминлаб турганликда айблаб қатор сунъий жиноий ишлар қўзғатган.

Масалан, Хирабек қишлоғида яшовчи Раҳматулла Мамасодиқов уйида 12 сентябрь куни тинтув ўтказилганида, шу қишлоқдаги Тожибой Ҳусанбоевга тегишли 6 дона отилган ўқ гилзаси топилгани, уни қишлоқдаги бир кишига бермоқчи бўлгани, бу ҳолат босқинчи тўдалар изғиб юрган пайтда хавфли экани қайд этилиб, махсус бўлим бошлиғи томонидан Р.Мамасодиқов ва Т.Ҳусанбоевлар иши Андижон революцион трибуналига оширилган. Иш кўриб чиқилгунига қадар уларни Андижон турмасида ҳибсда сақлаб туришга қарор қилинган. Терговчи Молчанов бу маҳбусларга босқинчиларни зарур қурол-аслаҳа билан таъминлаб турганлик айбловини қўйган. Уларни Андижон шаҳар 2-қисми Рўзиохунбой маҳалла оқсоқоли Бегали Юсупов 17 октябрда 1 000 рубль бериб кафилликка олган. Маҳаллада яшовчи яна 11 киши ҳам уста Тожибой Ҳусанбоевни кафилликка олган. Кафиллик ҳужжатида устанинг босқинчилар билан ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, ўз меҳнати билан кун кўраётгани, касби мисгарлиги, қарамоғида меҳнатга яроқсиз 5 киши борлиги қайд этилган. Иш революцион трибунал раиси Каримбоев, аъзолари А.А.Слуцкий, В.Ҳасановлар иштирокида кўриб чиқилган. Қабул қилинган қарорда Туркистон Марказий ижроия комитетининг 1919 йил 7 ноябрдаги декретининг 1-банди асосида судланувчиларни қамоқдан, суддан жазосиз озод қилишга қарор қилинган [4].

Шўро даврида эълон қилинган масалага оид материал ва тадқиқотлар ҳам янгича назар билан қайта таҳлил қилиниши лозим. Масалан, шундай манбалардан бирида ёзилишича, 1919 йил сентябрь ойи охирида Андижон уезд-шаҳар ЧКси томонидан “босмачилар”га хизмат қилаётган жосус ташкилоти фош қилинган. Текширув натижасида “босмачилар” ҳарбий-сиёсий маълумотлар билан бирга ўша жосус ташкилот орқали эгаларидан йўриқнома олиб, ўз фаолияти йўналишини белгилаганлари аниқланган. Йўриқномалардан бирида “босмачи-

лар”га иқтисодий диверсияларни кучайтириш, пахта ва озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиш тавсия этилган. Яъни “босмачилар” қўли билан мамлакат иқтисодиётига зарба бериш кўзланган [5.139]. Ёки бошқа бир манба Андижон қамали кунлари Андижон ЧКси “босмачилар” ва оқ гвардиячилар билан боғлиқ бўлган яширин аксилинқилобий ташкилотни фош этиб зарарсизлантирганини хабар қилади. Унга кўра, ЧК махфий ташкилотнинг Андижон Эски шаҳарида совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтариш ҳаракатининг олдини олишга эришган [6.61].

Албатта, кейинги иккита манба воқеаларни шўро нуқтаи назаридан ёритган. Шунга қарамай, улар тадқиқотчини муайян масалани, аниқроғи, ўша “махфий” ташкилот фаолиятини ўрганишга йўналтириши билан аҳамиятлидир. Зеро, шўро даврида фақат “қора ранг”да ёритилган ташкилот фаолиятини атрофлича ўрганиш “Андижон қамали” кунларидаги ижтимоий-тарихий ва сиёсий вазиятни бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан яхлит ҳолда тасаввур қилиш имконини яратади. Ушбу имконни рўёбга чиқаришнинг асосий шарти эса тарихий манба ва ҳужжатларга объектив илмий ёндашишдир. Яна шуки, ҳар бир конкрет ҳолатда тарихий манба ёки ҳужжат бераётган гувоҳликка танқидий назар билан қараш лозим бўлади. Масалан, юқорида Тожибой Ҳусанбоев уйидан топилган “6 дона отилган ўқ гилзаси” унга айблов тақашга асос бўлганини кўриб ўтдик. Бу ўринда “сохта жиноий иш” ясашга уриниш борлигини кўриш қийин эмаски, кейинча трибунал буни эътиборга олгани ҳам шундан. Иккинчи томондан, “босмачиларни қизиллар ҳисобидан ўқ-дори билан таъминлаш”га хизмат қилган кишилар бўлган, яъни бундай ишларнинг ҳаммасини “сохталаштириш” деб ҳисоблаш тўғри эмас. Ҳужжатларда Андижон чекистлари қизил армия сафида туриб ўғирланган қурол ва ўқ-дори билан “босмачилар”ни таъминлаб турган аскару зобитларни фош этганлари ўз аксини топган. Жумладан, 1920 йилда советларга таслим бўлган Акбарали қўрбошининг таслим бўлиши сабабларидан бири сифатида “совет муассасаларидан ўқ-дори сотиб олиш жуда ҳам қийинлашиб кетганини” кўрсатгани ҳам шуни тасдиқлайди. Иккинчи ёқдан, мазкур ҳол чекистларнинг бу йўналишда самарали фаолият олиб борганини кўрсатади.

ЧК фаолиятида ғоят чигал ижтимоий-тарихий шароитда кечиб турган ҳокимият учун кескин кураш билан боғлиқ мураккабликдан ташқари партия-совет органлари, шунингдек, ташкилотнинг ўзидаги ички зиддиятлар ҳам мураккабликлар туғдирган. Ҳар ҳолда, уч ярим йил (1918 йил 8 сентябрь – 1922 йил 6 февраль) ичида Туркистон ЧКсига ўн етти киши раислик қилиб улгурганида шунинг ҳам таъсири бор. Ёки бундан ярим аср илгари чоп этилган китобда қайд этилишича, 1921 йилда Андижон ЧК ходимларидан 11 киши хизмат вазифаларидан жиноий мақсадларда фойдаланганликда айбланган, уларга нисбатан олий жазо қўллаш хавфи туғилган. Аслида жиноят 2 киши томонидан содир этилса-да, унга хизмат бўйича 9 киши алоқадор топилиб қамоққа олинган. Предит исмли нотайин бир аёл пул ишлаб олиш учун ЧКдан фойдаланишни режалаштирган: чекистларнинг “аксилинқилобий фаолияти” ҳақида ЧК ходими Козловга чақув йўллаган ва оқибатда 9 нафар чекист ҳибсга олинган. Предит маҳбусларнинг қариндошларидан ҳибсдан озод этиш учун пул тўплаган. Бироқ айблов тасдиқланмасдан, ҳибсга олинганлар озод қилинган. Туркистон ЧК ходимлари ишни қайта кўриб чиқиб, айбдор топилган 2 кишидан бошқа 7 нафар маҳбус озод қилинган. Бироқ иш бу билан якун топмайди: ВЧКнинг Туркистондаги доимий вакили Я.Х.Петерснинг Андижонга келганидан фойдаланиб, унга чекистлар нотўғри озод қилинган, деган туҳмат хабар етказилади. Я.Х.Петерс ишни олиб борган терговчи Н.К.Юденичдан “андижонликларни озод қилганинг учун қанча олдинг” деб сўрагани Андижон ЧКсида ички зиддият анча жиддий бўлганидан дарак беради. Петерс ишни қайта кўриб чиқишни партбюро котиби Полисга топширган ва фақат унинг хулосасидан кейингина чекистлар чиндан ҳам айбсиз эканига ишонч ҳосил қилган ва Юденичдан узр сўраган [7.247].

Тарих инқилобларнинг юҳо мисоли беадад қурбонлар талаб қилишию кўп ўтмасиданоқ инқилобчиларнинг ўзларини бир-бир комига тортишига кўп шоҳид бўлган: Буюк Француз инқилобини оламизми ё октябрь тўнтаришиними, бунга керагидан ортиқ мисоллар топилади. Андижон ЧКсида хизмат қилган Д.С.Урюпин, А.А.Слуцкий, Ҳаққул Ҳусанбоев, Акбар Ўразалиев, Маҳмудбек Битбеков кабилар, советларга астойдил хизмат қилганига қарамасдан, 30-йиллар қатағони тиғидан ҳалок бўлган. Булардан Д.С.Урюпин, Ҳаққул Ҳусанбоев, Акбар Ўразалиевларнинг фожиали ҳаёти “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” (Тошкент: Шарқ, 2001) китобида батафсил ёритилган. А.А.Слуцкий, М.Битбеков бошқа қатор андижонлик чекистлар ҳаёт йўлини ўрганиш вазифаси эса навбатда турибди.

Биз тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда Туркистон ЧКси фаолиятига доир баъзи бир мулоҳазаларни келтирдик, холос. Кейинги изланишларимизда бу мавзуни кенг ва атрофлича ёритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Албатта, бу мақсадимиз айрим мутахассисларда эътироз уйғотиши ҳам мумкин. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ЧК фаолияти тарихимизнинг ўта мураккаб босқичи – биродаркушлик уруши содир бўлган 1918-1922 йилларда кечган. Муҳими, ЧК фаолияти шу мудҳиш воқеалар марказида кечган, ўша воқеаларнинг ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган, бас, уни чуқур ва атрофлича ўрганмасдан туриб давр тарихини объектив ёритиш мумкин эмас.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Т.: Ўзбекистон, 2015.- 306 б.
2. ВЧК. 1917-1922. Энциклопедия. Авт. – сост. А.М.Плеханов, А.А.Плеханов. – М: Вече. 2013. – 512 с.
3. Мўминжон Муҳаммаджонов Тошқин. Турмуш урунишлари. Роман-хотира. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи: филология фанлари номзоди М.Тожибоева.- Т.: Мумтоз сўз, 2015.- 288 б.
4. АВДА, 107-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 1-9-варақлар
5. Арипов Р. Мильштейн Н. Из истории органов госбезопасности Узбекистана. (Документальные очерки истории 1917-1930 гг).- Т.: Узбекистан, 1987.- 182 с.
6. Зевелев А.И. Поляков Ю.А. Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах.- М.: Наука,1981.- 243 с.
7. Чекисты.- Т.: Узбекистан, 1967.- 247 с.

Андижон давлат университети,
2016 йил 8 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)